# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 230 (10.226).

1991 йил 28 ноябрь пайшанба

Баҳоси 8 тийин.

**Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси**


*Ўзбекистон Республикасининг қонуни*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзидир.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70х30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

1) доимий суратда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аппарати биносида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биносида:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида:

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва ҳукумати биносида:

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий советлари биносида:

Ўзбекистон Республикаси доимий ваколатхоналари биносида:

2) халқ депутатлари советларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда—бутун сессия давомида;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат комитетлари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек турар жой биноларида;

4) Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, республика халқ депутатлари маҳаллий советлари депутатлари сайлови кунларида ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган биноларда ва уйларда;

5) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида — дипломатия протоколининг халқаро қонун қоидаларига мувофиқ;

6) чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — Миллий гвардия қўмондони, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

7) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

8) республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

9) спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

**6-модда.** Ушбу қонуннинг 5-моддаси 3-бандида кўзда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйилади, 5-модданинг 4-бандида кўзда тутилган ҳолларда эса овоз беришни ёки референдумни ўтказиш даврида кўтариб қўйилади.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи кўтарилса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари кўтарилганида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи алоҳида, қолганлари эса ўзбек алфавити бўйича кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши керак.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб қўйилган Давлат байроғининг матоси ердан камида 2,4 метр баландликда бўлиши керак.

**9-модда.** Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг 1/20 қисмига тенг бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида осилиб туради.

Байроқ мотам муносабати билан флагштокда кўтарилган тақдирда у флагшток узунлигининг 1/3 бўлагича тушириб қўйилади.

***Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи***
**(Схематик тасвири)**




**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва унинг тасвири каттакичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ турар жой биноларида кўтарилган вақтда эса уларнинг эгалари ёки уйлардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

**12-модда.** Ушбу қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш халқ депутатлари маҳаллий советлари ижроия комитетларига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналарига юклатилади.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори*

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган кундан бошлаб амалга киритилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, аввалги Давлат байроғидан у Ўзбекистон Республикасининг янги Давлат байроғи билан алмаштирилгунга қадар икки ой давомида фойдаланиш мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига:

1991 йил 1 декабргача Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш топширилсин.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1974 йил 27 сентябрь Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1974 йил, №27, 323-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1976 йил 29 июнь Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 19, 323-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1981 йил 30 июль Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 22, 445-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1981 йил 27 ноябрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 33, 647-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1984 йил 11 сентябрь Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 26, 382-модда);

1984 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 34, 485-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1984 йил 11 сентябрь Фармонини тасдиқлашга доир қисми.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ИЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

# МУНОСИБ НОМЗОДНИ САЙЛАЙМИЗ!

*Тошкент вилояти меҳнаткашларига, барча аҳолисига*

## МУРОЖААТ

**Қадрли ўртоқлар!**

**Ўзбекистон Республикаси Президентини биринчи марта умумхалқ тўғридан-тўғри сайловини ўтказиш тўғрисидаги республика Олий Кенгаши саккизинчи сессияси қарорини ҳаммамиз чин қалбдан табриклаймиз.**

**Бу жамият ҳаётида ошкоралик, демократия ва хилма-хил фикрлиликнинг қарор топишидан яққол далолат беради. Бу қарор йирик снёсий масалаларни ҳал этишда халқ оммасининг мавқеи ўсиб бораётганлигини ҳам яққол кўрсатади.**

**Сайловга тайёргарликнинг бориши ва Президент сайловининг ўзи меҳнаткашлар, кўп миллатли республикамиз бутун аҳолисининг хоҳиш-иродасини ифода этишнинг, уларнинг Ўзбекистон суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини қўллаб-қувватлашининг яна бир кўриниши бўлиб қолиши шубҳасиздир.**

**Биз афсус билан эътироф этишимиз керакки, мамлакатда чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, салбий ҳолатларнинг кучайиб бораётганлиги, моллар ва маҳсулотлар жуда тақчил бўлиб қолаётганлиги бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин бу ҳол воқеалар қандай ривожланаркин деб қўл қовуштириб ўтириш, мутелик билан кутишни билдирадими? Асло, йўқ! Жуда оғир шароитда Ўзбекистонда оғриқли муаммоларни иложи борича юмшатиш юзасидан ғайрат билан ва изчил тадбирлар кўрилмоқда, юз берган аҳволдан чиқиш йўллари қидирилмоқда.**

**Бу йўллар бугунги кунда кам даромадли, кўп фарзандли оилалар, фуқаролар, талабалар ва пенсионерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Президентнинг бир қанча фармонларида аниқ белгилаб берилди. Ана шундай ҳимоя қилинаётганлар сафида деҳқонлар ҳам, ишчилар ҳам, хизматчилар ҳам, қисқаси, барча ижтимоий табақа вакиллари бор.**

**Бозор иқтисодиётига ўтишни енгиллаштириш юзасидан кўрилаётган чораларни одамлар мустақил республика Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида жумҳуриятимизда амалга оширилаётган снёсат билан ҳаққоний равишда боғламоқдалар. Бизда шубҳасиз кўпгина ҳал қилинмаган масалалар бор, ҳали яна кўп иш қилиш керак. Ҳозирги Президент ўзининг аниқ ҳаракатлари билан жуда оғир шароитларда ҳам доим муаммоларни ҳал этиш чорасини топиши мумкинлигини исботлади. Яна бир муҳим ҳолатни эслатмай бўлмайди. Биз снёсий барқарорлик, умумий уйимизда тинчлик ва муроса шароитидагина қўйилган мақсадларга эришишимиз мумкин. Ўзбекистон раҳбарлари ҳозирги вақтда олиб бораётган снёсат ижтимоий аҳволи ва қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, республикадаги барча аҳолининг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишига кафолат беради.**

**И. А. Каримов учун овоз бериш — ҳар бир оилага, ҳар бир кишига барқарорликни ва эртанги кунга ишончни таъминлайди, демакдир.**

**Мамлакатдагина эмас, ҳорижда ҳам ҳурмат-эътибор қозонган тажрибали снёсатчи, республиканинг оғриқли муаммоларини миридан-сиригача биладиган иқтисодчи номзодини кўрсатиш билан биз олиб борилаётган снёсат оғишмай давом эттирилиши учун қатъий кафолатга эга бўламиз. Бунда биз ана шу мураккаб ва қийин йўлда қийшайишлар ва оғишлар бўлмаслигига ишонишимиз мумкин. Раҳбарликнинг барқарорлигини таъминлаш ҳаммамиз учун манфаатлидир.**

**Президентлик лавозимига муносиб номзодни сайлаш — бугунги кунда бутун республика учун ҳаётий муҳим масаладир. Ҳато қилсак, имконнитни бой берсак тарих бизни кечирмайди. Биз Ўзбекистон давлатининг янгиланиш, мустақиллик, чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар сари бошлаган йўлини И. А. Каримов номи билан боғламоқдамиз.**

**Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми партия раиси И. А. Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди.**

**Биз вилоят меҳнаткашлари, барча аҳолисини бу қарорни қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.**

**Биз тинчлик, тартиб ва осойишталик, миллатлараро муросани азиз деб билган, Ўзбекистоннинг келгусида иқтисодий гуллаб-яшнаши тўғрисида, болаларимиз ва набираларимиз тақдири тўғрисида ўйлаётган кишиларнинг ҳаммасини И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Республикани тинчлик ҳолатидан олиб чиқиш йўлини давом эттириш учун унга умумхалқ ишончи мандати берилиши керак.**

**Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаймиз!**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши
Тошкент вилоят касаба уюшмалари Кенгаши
Тошкент вилоят хотин-қизлар комитети
Тошкент вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари комитети
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилоят комитети

**СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони ҳамда «Қаҳрамон она» ордени берилсин:

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН**

**Аноркоева** Байша — Ангрен шаҳридан, уй бекаси.

**Мирзамитдинова** Норинисо — Ангрен шаҳридан, ишчи.

**Мусаева** Ширин — Чиноз районидан, уй бекаси.

**Муҳиддинова** Ҳолбиби — Ангрен шаҳридан, уй бекаси.

**Рустамова** Ҳамро Туйевна — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

**Сапарбоева** Зеби Ойнабекқовна — Коммунистик районидан, уй бекаси.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти**
**М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1991 йил 14 ноябрь.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР АРБОБЛАРИ УЮШМАСИДА**

# КЕКСА САНЪАТКОРЛАР УЧРАШУВИ

СОБИҚ дўстлар ва ҳамкасблар аҳволидан хабар олиб туриш, улар билан дийдор кўришишдан ортиқ қувончли дақиқалар борми, бу ёруғ дунёда?

Яқинда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасида бир гуруҳ кекса театр актёрларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерда меҳнат фахрийлари учун турли новнеъмат ва ниширқлар қўйилган дастурхон ёзилди. Даврада турли йилларда ижодий жамоа ва дасталарда ҳамда жумҳуриятимизнинг марказий театрлари саҳнасида қатор роллар ижро этган, ўзларининг иқтидорлари ва ижрочилик маҳоратлари билан томошабинларнинг меҳр-муҳаббатини қозонган, гаштини сураётган Анвар Юсупов, Маргарита Оқилова, Раҳим Исохўжаев, Анвара Олимова, Муҳаббат Мусаева, Дадахўжа Сотти-хўжаев, Фотима Боруҳова, Ёқубжон Исаев, Валентина Ульянова, Убайдулла Мадраҳимов, Одим Расулов каби санъаткорлар ўз ҳамкасблари билан дийдор кўришдилар, қувонч ва ташвишлари билан ўртоқлашдилар.

Кекса санъаткорларнинг бу мазмунли ва завқли оқшомида Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри Азиза Векматова ижросидаги қўшиқлар шўх рақсларга уланиб кетди.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ва жумҳурият Актёрлар уйи фахрийларга бир кийимликдан мато совға қилдилар ҳамда эсдалик учун суратга тушдилар.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистон Маданият жамғармаси матбуот маркази мухбири.**

• *Ногиронлар учун яна бир жамият*

# МЕҲР-ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

БУГУНГИ кунда қариялар, бева-бечоралар, ёлғиз ҳамда уруш ва меҳнат ногиронларига, болаликдан ногиронликда умр кечираётганларга жуда қийин. Улар ҳозирги кунда катта кўмакка муҳтож. Бугунги бозор иқтисоди ҳукм сураётган бир вазиятда ногирон кишиларга қай йўсинда мадад бериш, қандай қилиб уларнинг оғирини енгил қилиш мумкин? Бекобод шаҳрида ташкил топган ногиронлар жамиятининг таъсис анжумани ҳам шу каби масалаларга бағишланди.

Бу анжуман шу йилнинг октябрь ойида «Юбилей» кино театрида бўлиб ўтди. Унда шаҳар ногиронларининг 90 нафари қатнашди. Анжуман кун тартибида тўртта масала кўриб чиқилди. Сўзга чиққан шаҳар ногиронлар жамиятининг ташкилий қўмитаси раиси Л. В. Конокова ушбу жамиятнинг вазифаси ва асосий йўналишлари ҳақида гапириб, шаҳар ногиронларининг бугунги кундаги аҳволи, турмуши ва ногиронлар жамиятининг уларга кўрсатадиган ёрдами хусусида сўзлаб берди.

Анжуманда Бекобод шаҳар ногиронлар жамиятининг дастур лойиҳаси ўқиб эшиттирилди ҳамда бу лойиҳага қўшимчалар киритилиб, тасдиқланди.

Йиғилганлар шаҳар ногиронлар жамиятининг бошқаруви ва тафтиш комиссиясини сайладилар. 17 киши ногиронлар жамияти бошқарувининг аъзоси бўлди. Шаҳар ногиронлар жамиятининг ташкилий қўмитаси раиси Л. В. Конакова бошқарув раиси бўлди.

Шаҳар ногиронлар жамиятининг таъсис мажлисига делегатлар сайланди. Анжуман ишида жумҳурият ногиронлар жамиятининг раиси С. С. Убайдуллаев қатнашди. У бошқа қатор шаҳарлардаги каби Бекободда ҳам ногиронлар жамияти тузилганлигидан хурсанд эканлигини айтиб, анжуман қатнашчиларини табриклади. У олдинда қилиниши керак бўлган жуда кўп ишлар борлиги ва буларнинг барчасини ҳамкор ва ҳамжиҳатликда амалга ошириш лозимлигини ҳам таъкидлади.

Шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг ижтимоий ёрдам бўлинмаси мудираси Е. С. Аверьянова ногиронлар учун тегишли ёрдам кўрсатилишини, уларга имкони борича кўмак берилишини айтди. Йиғилганлар турли масалалар бўйича сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, саволларига жавоблар олдилар.

**М. НУРМАТОВА.**

*Президент ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига сайловлар олдидан*

# ШУНИНГ УЧУН ҚУВВАТЛАЙМИЗКИ...

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент давлат аграр дорулфунуни жумҳуриятимизда энг обрўли, малакали мутахассислар тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олийгоҳдир. Бу даргоҳда ёшларга илм бераётганлар орасида ўз соҳасини мукаммал эгаллаган етук олимлар — фан докторлари, фан номзодлари, фидойи ўқитувчилар анчагина. Улардан кўплари профессорлик, доцентлик даражаларига сазовор бўлишган. Бу заҳматкашлар талабаларни ўқитиш билан бирга, республикамиз илм-фани, айниқса қишлоқ хўжалик фанининг ривожига баракали ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Йиллар давомида байналмилал дўстликни мустаҳкамлаш, Иттифоқ учунгина эмас, бир қатор чет эл мамлакатлари учун ҳам билимдон кадрлар тайёрлаб беришдек шарафли бурчни адо этиб келаётган бу зиёхона жумҳуриятимиз бошидан кечираётган муҳим сиёсий воқеаларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Яқинда дорилфунун касаба уюшма аъзолари, меҳнат жамоасининг жумҳуриятимизда Президентлик лавозимига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

— Шу йил 29 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайловига номзодлар кўрсатиш бошланди, — деди мингга яқин киши иштирок этган бу анжуманни очар экан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон халқ ноиби, дорилфунун ректори, профессор Эркин Турдиевич **ШАЙХОВ**, — бу юксак лавозимга элимизни иқтисодий танглиқдан халос этишга астойдил киришган, мустақил республикамизнинг ёруғ истиқболи учун фидойилик кўрсатаётган Ўзбекистон Президенти, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини энг лойиқ номзод деб ҳисоблаймиз.

Эркин Турдиевич дорилфунун моддий базасини мустаҳкамлаш, унинг жамоасига қулай шарт-шароитлар яратиш борасида Президент олийгоҳ ректоратини ҳамиша қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан бухгалтерия куллиётининг V курс талабаси Феруза **ҲУСАНОВА**, профессор Сеиджалил **АБЛАЕВ**, талабалар касаба уюшмаси раиси Ҳусниддин **АБДУЛАХАДОВ**, профессор Санжар **МУҲАМЕДХОНОВ**, иқтисод куллиёти биринчи курс талабаси Оксана **РОМАНОВА** ва бошқалар сайлов куни И. А. Каримов учун яқдиллик билан овоз беражакларини изҳор қилдилар.

— Инсоният учун ҳаммадан ҳам муҳими тинчлик, — деди ҳайдовчи **Т. ҲОШИМОВ**, — мен оддий ишчиман лекин мамлакатда қандай воқеалар рўй бераётганлигини телевизорда кўриб, рўзномалардан ўқиб билиб турибман. Тинчликка муҳтож бўлиб қолган, нонни кўзларига суртишга тайёр турган оғриқ нуқталар мамлакатда кўпайди. Шуларга қиёслаганимда Ўзбекистонда тинчлик, хотиржамликнинг сақланаётганлиги, барча миллатларнинг бехавотир яшашлари учун кафолат яратилганлиги ҳозирги шароитда жуда катта гап. Президентимиз шундай вазиятни таъминлаб турибди. Бунинг учун миннатдормиз. Сайловда албатта Ислом ака учун овоз берамиз.

Йиғилиш қатнашчилари шу куни Ислом Абдуғаниевич Каримов номига, марказий сайлов комиссиясига табрик телеграммалари йўлладилар.

Йиғилишда етти кишидан иборат участка сайлов комиссияси ҳам сайланди.

Шу куни анжуманда иштирок этган халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши раиси Сайфулла Давирович Сайдалиев дорилфунунда таҳсил олаётган вилоят ёшлари билан суҳбатлашди. Уларнинг турмуш тарзи ўқишлари билан қизиқди. Келгусида талабалар моддий таъминотини бугунги кундагидан ҳам яхшилашга кўмаклашиш ниятида эканлигини билдирди.

**Баҳром РИХСИЕВ,**
**Саидвали ҲАСАНОВ.**

• *Муаллимлар ҳақида ҳикоялар*

# МЕҲР УЙҒОТА ОЛДИ

— Танишинг, — деди менга мактаб директорининг ташкилий ишлар бўйича ўринбосари Хайриддин Мирзаев, — мусиқа бўйича раҳбар Ёрмуҳаммад Элмуродов шу киши бўладилар.

У билан танишдик ва мен таширифим сабабини айтдим. Муаллим бироз ўйланиб турди, кейин санъатга меҳр қўйган қобилиятли ўқувчилари, мактабда яратилган қулайликлар ҳақида қувонч билан гапириб берди. Айниқса, хор тўгараги аъзолари Нигора Усмонова, Дилфуза Холмуродова, Дилафрўз Қодирова, фольклор тўгарагидан Мастура Мадаминова, Муқаддас Мавлонова, Шахноза Қулмонова, доирачилар Қаҳрамон **Абдуқодиров**, Алишер Ўсаров ва Ғофир Жуманов кабиларни алоҳида тилга олди. Сўнгра болалар билан учрашдим. Улар мусиқага ўзларида ихлос уйғотган ўқитувчилари ҳақида бирма-бир сўзладилар. Унинг босиқлиги, ноталарни чидам билан ўргатишидан жуда ҳам хурсанд эканликларини мамнуният билан гапиришди...

Ёрмуҳаммаднинг ўзи ҳам бошланғич синфдалигидаёқ мусиқа тўгарагига қатнай бошлади. Дастлаб рубоб чалишни, кейин эса қўшиқлар ижро этишни ўрганди. Ўрта мактабни тамомлагач Низомий номидаги Тошкент педагогика билимгоҳининг мусиқа куллиётига ўқишга кирди. У ўқитиш методикаси бўйича доцент Д. Омониллаев, хор ва дирижёрлик санъати бўйича Л. Голденцова сингари тажрибали ўқитувчилардан сабоқ олиб, санъатга бўлган иштиёқи янада ортди. Билимгоҳни тамомлагач, Оққўрғон районидаги Ю. Гагарин номли 10-ўрта мактабда мусиқадан дарс берди. Тез орада бу ерда тўгарак ташкил этилиб, машғулотлар ўтказила бошланди.

1987 йил район халқ таълими бўлими раҳбарлари Ё. Элмуродовни кўп йиллардан буён мусиқа раҳбарига ёлчимай келаётган Алимкент қўрғонидаги Абу Али ибн Сино (собиқ Жданов) номли Зўрта мактабга ишга тайинлашди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай мазкур мактаб бадиий ҳаваскорлари районга танилди. Бу ерда ташкил топган «Камалак» дастаси аъзолари тез-тез жойларда бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. Томошабинлар Ёрмуҳаммад Элмуродов олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқлигини кўп бора таъкидлашмоқда. Шу йил ўтказилган «Камолот—91» қўрик-танловда мазкур мактабнинг фольклор дастаси аъзолари 2-ўринни эгаллашди.

— Мактабимиз ўқитувчилар жамоаси, — дейди директор Муродилла Худойбердиев, — мусиқа ўқитувчисидан жуда миннатдор. Унинг ҳалол хизматларини ҳисобга олиб «Катта ўқитувчи» унвони берилди.

— Қандай яшашимиздан қатъий назар, — дейди Ё. Элмуродов, — биз санъатдан йироқлашмаслигимиз керак. Куй ва қўшиқ кирган хонадонда ҳамиша хурсандчилик, яхшилик бўлишига ишонаман. Менинг ишимни шогирдларим Ҳусан Арслонов, Ботир Мирзаев сингари қобилиятли ёшлар давом эттираётганидан хурсандман. Биз санъатни севсак у ҳам бизни улуғлайди.

**Т. ЗОКИРОВ.**

# «ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИЛАР» ТАНЛОВИ

Мусобақа, баҳс бўлиб турганн яхши. Ана шундагина кишиларда ижодий изланиш ривожланади, янада аълороқ ишлашга рағбат уйғонади. Шунинг учун ҳам районда ибратли тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

Яқинда Ғ. Ғулом номидаги 40-ўрта мактабда йилнинг энг яхши ўқитувчиларини танлаш бўйича ўтказилган район мусобақасининг якунлари кўриб чиқилди. Турсуной Охунова номли 27-ўрта мактаб физика ўқитувчиси О. Қодиров биринчи ўринни эгаллади. Ғолиб ўқитувчи навбатдан ташқари енгил автомашина сотиб олиш имкониятини қўлга киритди. Ундан кейинги ўрин 26-ўрта мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси М. Султоновага тегди. 3-ўрин ва 500 сўмлик пул мукофотини 40-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Мансуров олди. 32-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси А. Бекназарова, 28-мактаб физика ўқитувчиси А. Исмоилов, 24-мактаб немис тили ўқитувчиси Н. Кузьминихлар 4, 5, 6-ўринларни олишди. Уларга бир ойлик маошлари миқдорида пул мукофотлари берилади.

Ярим ойлик маоши миқдорида мукофот пули 7-ўринни эгаллаган 5-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси В. Людининага бериладиган бўлди.

**Э. ҚОСИМОВ.**
**Чиноз районн**


# БИЗ СИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШГА ТАЙЁРМИЗ!

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР

## ДИҚҚАТИГА!

**Қибрай ноҳия матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги Ўзбекистон жумҳурияти «ТОШКЕНТ» мол-хом ашё универсал биржасининг брокерлик идораси Сизлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун тайёр.**

**Брокерлик идораси ўзаро манфаатли мақсадларни кўзлаб сизнинг хом ашё, товар, техника, ускуна ва бошқа маҳсулотларингизни иттифоқдош жумҳуриятларга сотиб бериш, шу билан бирга буюртмаларингизга мувофиқ иттифоқдош жумҳуриятлардан хом ашё, товар, техника, ускуна ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш хизматларини ўз зиммасига олади ва бу ишларни амалга оширилишига КАФОЛАТ БЕРАДИ.**

Сиз билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришдан хурсандмиз.

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

Қибрай ноҳия матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги брокерлик идораси, Қибрай қўрғони, Ҳамза кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 63-245, 61-545, 61-676.

**Тошкент шаҳрида:** Ўзбекистон кўчаси, 45-уй. «Ўзбекбирлашув» бошқарув ҳайъатининг идораси. Ўзбекистон жумҳурияти «Тошкент» мол-хом ашё универсал биржаси.


# ЧИННИСОЗЛАР ҚАРОРИ

ШУ кунларда пойтахтимиздаги саноат корхоналари, муассасалар ва меҳнат жамоаларида Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзодлар кўрсатиш қизғин давом этмоқда. Куни кеча Тошкент чинни заводи жамоасининг бўлиб ўтган конференциясида ҳам ана шу масала муҳокама қилинди. Йиғилишда сўзга чиққан корхона директори Ф. Раҳматуллаев аввало шаҳар ҳокимини сайлашга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида қисқача ахборот берди ва лозим топилса Тошкент чинни заводи жамоаси номидан ҳозирги кунда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаётган Адҳам Ибрагимович Фозилбеков номзодини шаҳар ҳокимлигига кўрсатишни таклиф қилди. Номзоднинг таржимаи ҳоли билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Номзодни муҳокама қилиш қизғин бўлиб ўтди. Шу масала юзасидан сўзга чиққан корхона назорат қўмитасининг раиси А. Латипов бу таклифни тўла қўллаб-қувватлашини айтди.

— Чунки мен А. Фозилбековни жуда яхши биламан,— деди у.— А. Фозилбеков 1963 йилда айнан бизнинг корхонамизда ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Умуман номзод ҳозиргача бўлган меҳнат фаолиятининг 90 фоизини Собир Раҳимов ноҳиясида ўтказди. У бизнинг корхонамизни ривожлантиришда, район халқ хўжалигини тиклашда катта хизмат қилди. Шунинг учун А. Фозилбеков номзоди Ўзбекистон халқ депутатлигига ҳам шу ердан кўрсатилиб, сайланди. Умуман шаҳарга бутун ишлаб чиқариш жараёнларини яхши билган мана шундай киши ҳоким бўлиб сайланиши керак, деб ҳисоблайман.

Корхона 1-рассомчилик цехининг бошлиги Минаввар Қодирова ҳам номзод ҳақида ўз фикрларини билдирди.

— Ўша 1963 йилда ҳам мен цехга бошчилик қилардим,— деди М. Қодирова,— А. Фозилбеков менинг қўл остимда меҳнат қилган. Демоқчиманки, у кишининг нимага қодир эканлигини яхши биламан. Қолаверса, корхонамиз бугунги кунда мана шундай етук мутахассислар, раҳбарлар етиштирганлиги билан фахрланса арзийди.

Корхона цех бошлиғи Л. Гитис А. Фозилбековнинг чинни заводини реконструкция қилиш ва кенгайтиришда катта хизмат қилганлигини, умуман шаҳар халқ хўжалигини ривожлантиришда нуфузли ишлар қилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Корхона жамоаси шу куни бир овоздан А. Фозилбеков номзодини шаҳар ҳокимлигига кўрсатиб, уни қўллаб-қувватлади. Улар айни кунда мана шундай иқтисодиётни, сиёсатни, шароитни яхши биладиган киши шаҳар ҳокимлигига сайланиши кераклигини алоҳида таъкидладилар.

**М. ФАТТОҲОВ.**


# ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИДАГИ ОМОНАТИНГИЗНИ

**фақат нақд пул билан эмас, балки нақд пулсиз ҳисобкитоб йўли билан ҳам кўпайтириш мумкин.**

**СИЗ ОМОНАТИНГИЗГА:**
**— ойлик иш ҳақингиздан;**
**— пенсиядан;**
**— кўп йиллик иш хизматини бир вақтда тақдирлайдиган мукофот пулидан;**
**— давлатга сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маблағи ва бошқалардан**

**КЕРАКЛИ МИҚДОРИНИ ЎТКАЗИШИНГИЗ МУМКИН.**

Бунинг учун сиз корхона, ташкилот, жамоа ва шўро хўжалиги ҳисобхонасига хоҳ иш жойингиз бўйича, хоҳ яшаш жойингиз бўйича Жамғармалар банкининг хоҳлаган муассасасидаги омонатингиз ҳисобига ўзингизнинг пул даромадларингиздан керакли миқдорни ўтказиш тўғрисида ариза берсангиз бас.

Омонатдаги пуллар омонатчига ёки ишонч қоғози бор шахсларга хоҳ тўлиқ миқдорда бўлсин, хоҳ қисман хоҳлаган қулай вақтида берилади.

**ШАХСИЙ БЮДЖЕТИНГИЗНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ,**
**ДАРОМАДИНГИЗДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШДА**
Тошкент вилоят Жамғармалар банкининг муассасаларида
**СИЗЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШАДИ.**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ БОШҚАРМАСИ.**
**«ЭРА» ТАЖРИБА РЕКЛАМА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АГЕНТЛИГИ.**


# САНЪАТКОРЛАР ТАКЛИФИ

КУНИ кеча Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик драма театрида 29 декабрда ўтадиган жумҳурият Президенти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими сайловига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Шу масала юзасидан сўзга чиққан театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов, Ўзбекистон халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Турғун Азизов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза мукофотининг лауреати Теша Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасанбой Юнусов ва бошқалар Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон республикасини мустақил давлат сифатида шакланишига катта хизмат қилаётганлигини, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан муҳим чоратадбирлар кўришда ҳамда халқимизнинг осойишталигини сақлашга катта эътибор бераётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек йиғилиш қатнашчилари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. Фозилбековнинг пойтахтимизни ҳар томондан намунали шаҳарлар қаторига олиб чиқиш, қадимий Шарқ дарвозаси мавқеини тиклаш борасида катта ишлар қилаётганлигини, жумладан, санъаткорларга катта эътибор билан муносабатда бўлаётганлигини, Наврўзни байрам қилишда ҳамда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейини ўтказишда жонбозлик кўрсатганлигини эътироф этишди ҳамда шаҳар ҳокимлиги вазифасини жорий этилишини маъқуллаб унга А. Фозилбеков муносиб номзод эканлигини билдиришди.

Йиғилишда иштирок этган театр жамоаси бир овоздан Ислом Абдуғаниевич Каримовни жумҳурият Президентлигига, Адҳамбек Фозилбековни Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзодини қўллаб-қувватлашди.

**Ҳ. АЛИЕВ.**

● **АМЕРИКА Қўшма Штатлари конгресси сенати совет — америка ўртасидаги савдо битимини маъқуллади. Бу битимга биноан эндиликда Совет Иттифоқи билан бўладиган тижорат ишларида СССРга энг катта қулайлик яратиш мақоми берилади. Мазкур ҳужжат ўтган йили АҚШ ҳамда СССР президентларининг Вашингтондаги олий даражадаги учрашувида имзоланган эди. Бу битимни ўтган ҳафтада АҚШ вакиллар конгресси палатаси ҳам маъқуллаган эди. Битим кучга киргандан сўнг Америка қонуншунослари СССР билан савдосотиқда жорий этган чеклашлар олиб ташланади. Шундай қилиб, эндиликда АҚШнинг бошқа шерикларига бериладиган қулайликлар Совет Иттифоқи билан бўладиган савдода ҳам амал қила бошлайди.**

● **МАЪЛУМКИ, Болгария Халқ Жумҳуриятининг собиқ раҳбари Тодор Живков устидан суд ўтказилмоқда эди. Софиядан олинган хабарга қараганда, мазкур суд келгуси йил 7 январигача кечиктирилди. Т. Живков ўз лавозимини суиистеъмол этишда ҳамда мамлакатга 26,5 миллион лев миқдорида моддий зарар етказишда айбланмоқда. Суд жараёнини ёритаётган оммавий ахборот воситалари вакилларининг таъкидлашига қараганда, суднинг кечиктирилиши Т. Живков асарларига унинг муаллифлик ҳуқуқини белгилаш учун керак бўлиб қолган.**

● **АҚШ президенти Ж. Буш обрўйи у президентлик қилаётган даврдан буён шу кунларда энг паст даражадаги белгига тушди. Си-Би-Эс телекомпанияси ва «Нъю-Йорк таймс» рўзномаси биргаликда ўтказган умумий сўров шуни кўрсатди. Сўров маълумотларига қараганда, ҳозирги пайтда Ж. Буш фаолиятини фақат 51 фоиз америкалик маъқуллямоқда. Бу рақам ўтган йил октябридагига қараганда 16 фоиз оздир. Америка президенти обрўйининг пасайиб кетаётганлигига Америка иқтисодиётининг тобора ёмонлашиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда.**

● **ҲИНДИСТОН Мьянмеда инсон ҳуқуқларининг поймол этилишини қаттиқ қоралади. Бу мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили баёнот бериб, Мьянме аҳолисининг энг оддий ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этилганлигини таъкидлади. Шу билан биргаликда, Ҳиндистон вакили 1991 йил учун Нобель мукофотини олган, машҳур жамоат арбоби Аун Сан Су Чжининг тез орада уй қамоғидан озод этилажаклиги тўғрисида ҳам умид билдирди.**

● **ФАЛОКАТ устига фалокат... Яқиндагина Хитой Халқ Жумҳурияти кўпчилик аҳолиси давомли ёмғирлар ҳамда сув босишлардан анчагина азият чеккан эди. Эндиликда мамлакатнинг кўпгина худудларида қурғоқчилик юз бера бошлади. 14 миллион гектар майдон қурғоқчилик доирасида қолади, деб кутилмоқда. Хитойнинг асосий ғалла минтақаси ҳисобланган Ҳэнань вилоятида август ойидан буён бир томчи ҳам ёмғир ёғмади. Натижада 4 миллион гектар ерга экилган буғдойзорларнинг ҳалок бўлиши кутилмоқда.**

● **БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг Ироқда тафтиш ишлари олиб бораётган мутахассислари Ироқнинг бир ерида жуда катта миқдордаги бойитилган уран моддасини топиб олдилар. Бу факт Бағдоднинг ўз ядровий қуролига эга бўлиш хусусидаги ҳатти-ҳаракатлари бежиз бўлмаганлигини кўрсатди. Бироқ, мутахассислар топиб олинган уранни ким етказиб берганлигини аниқлай олмаётирлар.**

● **АМЕРИКА Қўшма Штатлари ўзларининг Филиппиндаги Кларк-Филд ҳарбий ҳаво базасини расман Филиппин томонига топширди. Бу база Лусон оролида жойлашган. АҚШ ҳарбийлари уни 1898 йилдан буён тасарруф этиб келган эди. Шу йил 16 сентябрида икки ўртада бўлиб ўтган музокаралардан сўнг АҚШ базани Филиппинга топширишга розилик берди.**

● БУНДАН 48 кун муқаддам Руминиянинг Ҳиндистондаги элчиси Ливиу Раду номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилган эди. Руминия дипломатини қидириб топиш устида бош қотирган полициячилар кўп куч сарфладилар. Бироқ уларнинг саъи-ҳаракатлари натижа бермади... Куни кеча эса Ливиу Раду дафъатан соғ ва саломат ўзининг Деҳлидаги қароргоҳига қириб келди.

● **БИР ГУРУҲ ёшлар Канаданинг Гантидаги элчихонасини босиб олдилар. Улар Канададан сиёсий бошпана берилишини талаб қилдилар. Бироқ, уларга бу хусусда рад жавоби берилганидан сўнг «босқинчилар» элчихонани батамом ёндириб юбориш тўғрисида таҳдид қила бошладилар. Шуни ҳам айтиш керакки, сиёсий бошпана сўраганлар ҳозирча ўз ниятларини амалга оширганларича йўқ.**

● **ОЛТИН бўйича бутун жаҳон кенгашининг вакили Р. Мерфи Дубай шаҳрида очилган кўргазмада сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Совет Иттифоқи халқаро бозорга энг кўп олтин етказиб берган мамлакат бўлди, деб айтди. Вакил яна шу нарсани таъкидладики, бу олтинлар эски бўлиб, янгитдан қазиб олинган эмас.**

● **ҒАРБИЙ Оврўпо мамлакатларида жуда кўп лўлилар истиқомат қилишади. Уларнинг сони 800 мингдан ошади. Бироқ, улар қаерда бўлмасин, жуда қийин ҳаёт кечиришади. Лўлилар ўз турмушлари шароитларини яхшилаш учун жойдан-жойга кўчиб юришга мажбур бўлмоқдалар. Суратда: чехословакиялик лўли болаларини кўриб турибсиз.**

**ЧТК — ТАСС сурати.**

• *ҚИШГА КИМ ҚАНДАЙ ТАЙЕРГАРЛИК КУРМОҚДА?*

# БИЗЛАР ҲАМ «ШАҲАРЛИКМИЗ», ЛЕКИН...

**БИЗНИНГ хоҳишимизга бўйсунмайдиган, табиатнинг ўз қонунлари бор. Агар унга риоя қилмасак, албатта, бармоқ тишлаб қоламиз. Мана шулардан бири қиш ғамини ёзда ейиш. Хўш, жойларда бу иш қандай амалга оширилмоқда? Хусусан, қишга тайёргарлик давомида ихтиёримиздаги имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда? Юқоридаги саволларга жавоб топиш ниятида Янгийўл ноҳиясидаги «Гулбаҳор» қўрғон Шўроси раисининг ўринбосари Муҳаммаджон Мирзаахмедовга мурожаат қилдик.**

— Муҳаммаджон ака, кейинги вақтда мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса озиқ-овқат таъминотининг ночор аҳволдалиги кўпчиликда норозилик уйғотмоқда. Мана шундай бир вазиятда сизларда қандай ишлар амалга оширилияпти, нималарга эътибор бераяпсизлар? Умуман қишга тайёргарлик борасида Кенгаш қандай тадбирлар кўряпти?

— Озиқ-овқат таъминотининг ночорлигини таъкидлаб тўғри айтдингиз. Ҳақиқатан ҳам одамлар давлат таъминотига ўрганиб қолишган. Бунинг илдизи чуқурроқда шаклли, шунинг учун айрим шахсий мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Гап шундаки, бу аҳвол бугун бўлмаса эртага ёки индинга барибир юзага келарди. Чунки биздаги бошқарув органи ҳам, инсонга муносабат ҳам бузилди. Албатта, бўйруқ кутиб яшадик. Ўзимизда бор имкониятдан фойдаланмадик. Ана шунинг учун ҳам жумҳурият Президентининг қишлоқда яшовчиларга ер бериш, чорваларини зарур ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги фармонлари, ижарачилик, тадбиркорлик ҳақидаги қонунлар хўп вақтида чиқди, десам адашмайман. Сабаби шундаки, бизда шу кунгача ердан унумли фойдаланилмас, яъни деҳқоннинг ҳамма имконияти ишга солинмасди. Унинг устига юқорида айтганимдек, деҳқон моддий манфаат кўрмасди. Ҳозирги даврга келиб айнан мана шу тайёрхўрлигимиз натижасини кўриб турибмиз. Чунки турғунлик даврида биз ўйламас эдик. Қиш келяптими, ёки бошқами, фарқи йўқ эди. Бугунги кунда маълум бўлиб қолдики, ўзинг учун ўзинг қайғурмасанг, ҳеч ким сенга беминнат ош бермас экан. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврни оғир давр дейишади. Лекин бир томондан хулосалар чиқариб олиш даври ҳам дейиш мумкин.

Юқоридаги фармонлар ва қонунлар кишилардаги ана шу кайфиятга барҳам берди. Энди ҳаммамиз бошқача ишлаш керак эканлигини тушундик. Хуллас, бу билан нима демоқчиман, менимча, бугунги тақчилликдан чиқишнинг бирдан-бир йўли деҳқонларга ерни тақсимлаб бериш. Бу сўзимни исботлаб Хитойдан ёки Америка деҳқони ҳаётидан мисол келтириб ўтирмасам ҳам етарли бўлса, керак, деб ўйлайман. Чунки деҳқон ерлик бўлган сўнгги йиллар натижаси буни аниқ кўрсатмоқда.

Бизнинг ҳудудда 11,5 минг киши истиқомат қилади, ёки 3200 га яқин хўжалик мавжуд. 90 фоиз аҳоли асосан кўп қаватли уйларда яшайдилар. Уларнинг ташвиши томорқада яшовчиларга нисбатан кўпроқ. Оддий мисол. Қиш эшигимизни чертиб турипти. Кўп қаватли уйларни иситиш, иссиқ сув билан мунтазам таъминлаш лозим. Бу борада биз анчагина ишларни амалга оширдик. Чириб кетган қувурлар алмаштирилди, ҳудудимиздаги корхоналарда ишловчи иссиқлик ўчоқларини кенгайтириб, унумли фойдаланишни йўлга қўйдик.

Бундан ташқари аҳолимизнинг қишга тайёр бўлиб туришлиги учун ҳар бир кишини ишлайдиган корхона ёки ташкилотидан картошка, буғдой, жавдар сингари ҳаёт учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳом-ашёси билан таъминлашни ташкил этдик. Биргина мисол. Янгийўл синов-тажриба корхонаси ўз ишчиларига ва ҳудудимиздаги фахрийларга 50 килограммдан картошка берди. 20 тоннадан ортиқ буғдой, шунга яқин жавдар ҳам аҳолига тарқатилди. Бундан ташқари ҳар бир корхонадаги мавжуд омборларга маълум миқдорда буғдой, макка дони ғамланди.

Биз иложи борича ички имкониятларни ишга солаяпмиз. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Биздаги аҳолининг 90 фоизи кўп қаватли уйларда истиқомат қилишини айтиб ўтган эдим. Кўп қаватли уйнинг шароити мол, қўй ушлашга имкон бермайди. Бу эса гўшт ва сариёғга бўлган эҳтиёжни дўкон орқали қоплашни тақозо этади. Бизларга эса қишлоқ шароити нуқтаи назаридан гўшт ва сариёғ берилмаяпти. Бозорда мол гўшти 20-25 сўм, қўй гўшти 30 сўм. Демак ўз-ўзидан савол туғилади. Нима қилиш керак? Бунинг учун аввало «Гулбаҳор» қўрғонини ноҳия таркибига кирувчи шаҳарлар сирасига киритиш керак. Биз бу ҳақда вилоят ва ноҳия раҳбарларига хат юборганмиз. Лекин ҳозирча жавоб келганича йўқ. Вақт эса кутиб турмайди. Ҳар куни қўрғон Шўросига кўплаб аҳоли шу масалада мурожаат қилмоқда.

**Суҳбатдош**
**Т. ЕРҚУЛОВ.**

• ТАЖРИБАКОРЛАР ҲУЗУРИДА •

**НЕГАДИР кейинги пайтда ҳаммамизда рўзномада ишлаб чиқариш билан боғлиқ мақолаларни бермаса ҳам бўлади, деган фикр пайдо бўлиб қолди. Аслида бунда жон бор. Бир қолипдаги гаплар, рақамлар, фактлар одамларни қизиқтирмай қўйди. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ўша биз бугун бартараф этмоқчи бўлаётган иқтисодий тангликни ҳам, дўконларнинг пештахталарини ҳам, халқнинг фаровонлигини ҳам фақат меҳнат, ишлаб чиқаришдаги рақамлар, унумдорлик билангина бартараф этиш, тўлдириш, амалга ошириш мумкин. Буни ким инкор эта олади?! Шундай экан мана шундай оғир йилда, шароитда ишни қойил қилган жамоалар, уста деҳқонлар, уларнинг тажрибалари ҳақида нега ёзмаслик керак. Менимча, кўпроқ, кенгроқ ёзиш лозим. Токи улар оммалашса, илғорлар сафи ошса.**

**Таъбир жоиз бўлса Ғалаба районидаги Калинин номли совхозда ҳам ана шундай кишилар меҳнат қилишади. Бу хўжаликка тажрибали ташкилотчи Турсунхўжа Искандаровнинг директорлик қилаётганига олти йил бўляпти. Тақдир тақозоси билан менга деярли ҳар йили совхознинг ишлари, меҳнат натижалари билан танишиш насиб этди. Ана шу даврда хўжаликда ҳамма соҳа шунчалик ривожландики, бугун унинг тажрибалари билан ҳатто хорижликлар ҳам қизиқишмоқда.**

**Калинин номли совхозга тегишли бўлган ибратли рақамлар шунчалик кўпки, уларни санаб ўтишнинг ўзи қийин. Аммо бирон йил йўқки ишда унумдорлик ўсмаган бўлса. Хўш, хўжаликдаги натижалар, муваффақиятларнинг замини кимни қизиқтирмайди, дейсиз. Менимча кўпчиликни, жумладан бизни ҳам.**

**Қуйида совхоз директори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Турсунхўжа Искандаров ана шу — биз ва сизни қизиқтирган рақамлар, тажрибалар, бугунги деҳқончилигимиз ҳақидаги ўзининг шахсий фикр-мулоҳазалари ҳақида ҳикоя қилади.**

# ЕР ДЕҲҚОННИ ЭЛГА ТАНИТАДИ

**Хўжаликда 1991 йилда 2130 гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 70 центнердан, жами 12 минг тонна шоли ҳосили олинди. Яна бир факт: сўнгги беш йил ичида ҳосилдорлик 20 центнерга ошди, таннарх тенг баравар арзонлашди, меҳнат унумдорлиги 50 фоизга ўсди.**

— КУНИ кеча яна бир бор хўжалигимиз далаларини айланиб чиқдим. Бугун улар сокин. Лекин кечагина бу ерларда иш куну-тун давом этган эди. Деҳқонларимиз ҳам, уларга қарашли техника ҳам тўла қувват билан ишлади. Ҳамма куч ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилди. Шу тариқа ўрим-йиғимни 25 кунда якунладик. Кўпчилик яхши билади, деҳқончиликнинг ўзига хос иккита бузилмас қонуни мавжуд. Бунинг биринчиси — баҳор ва ёз бўйи тиним билмай ҳосил тўплаш, иккинчиси уни вақтида йиғиштириб, саранжомлаб олиш. Мана шу икки ишни маромида бажарган деҳқоннинг хирмони ҳам, даромади ҳам баракали бўлади. Лекин деҳқоннинг яна бир катта бойлиги борки, уни ҳеч нарсага алмашиб бўлмайди. Бу — ер.

Бугун хўжалигимиз меҳнаткашлари нимагаки эришган эканлар, муваффақиятларимизнинг, қут-баракаларимизнинг бош омили ҳам ана шу — она заминдир. Шунинг учун гапни ердан бошладим. Биз сўнгги йилларда унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирдик, кам бўлмадик. Шоли ҳосилдорлиги 6 йилда 20 центнерга ошди. 1991 йилдаги натижалар, айниқса, баракали бўлди. 2130 гектар ерда деҳқончилик қилиб 12 минг тоннадан ортиқ шоли йиғиштириб олдик. Давлатга 9300 тонна юқори сифатли ҳосил топширилди. Бу рақамларни айтиш осон, лекин унинг замирида жуда катта ҳам ташвишли, ҳам қувончли меҳнат ётибди.

...Шундай кезларда беихтиёр хўжаликка дастлаб раҳбар бўлган кезлардаги манзара кўз олдимга келади. Ўшанда ерларни бегона ўт босиб кетган, ҳосилдорлик паст, шоли ўрим-йиғими қор ёққунгача давом этар, режа гоҳ бажарилиб кўпинча ўнданамасди. Райкомнинг ҳар бир йиғилишида юрак ҳовучлаб ўтирардик. Қолоқ Калинин совхозига бу йил ҳам ёрдам бериш керак, деган гаплар бўларди. Раҳбар бўлган йилим ғалвир сувдан кўтарилгач, ҳаммасини таҳлил қилдим. Ишнинг каттакичигини ўргандим. Ахир ортиқ бундай ишлаб бўлмасди-да! Ана шундан кейин кўплашиб маслаҳатлашдик. Мен ўзимнинг таклифларимни айтдим. Шунда айримлар ер чарчаган, уни бегона ўт босиб кетган, нима қилмайлик фойдаси йўқ, дейишди. Лекин менинг таклифларимга қўшилган кишилар кўпчиликни ташкил этди. Бирга ишга дадил киришдик. Ерларни ағдарма усулда шудгорладик. Бу бегона ўтни 50—60 фоизга йўқотиш имкониятини берди. Маҳаллий ўғитни канда қилмай солдик. Бу усул дастлабки йилиёқ ўзининг самарасини берди. Ҳосилдорлик кескин кўтарилди. Биз эса ерни ишлашдаги тажрибаларимизни, изланишларимизни давом эттирдик. Келгуси йили яна бир тадбир ўтказдик. Маълумки, шоли катта майдонларга пол-пол қилиб экилади. Қачонлардир олинган ана шу тўсиқлар йиллар давомида ҳатто шудгорлаш пайтида ҳам бузилмасди. Нега шундай десам полни қайтадан олиш мураккаб иш, унинг устига баҳорда майдонларга қайтадан пол олгунча экиш кечикиб кетади деган баҳонани қилишди. Ваҳоланки, йиллар давомида ётган ана шу тўсиқлар бегона ўтнинг кўпайишига, ернинг сифатсиз ҳайдалишига сабаб бўлар эди. Бу анъанани ҳам буздик. Тўсиқларни қўшиб ерни яхлит шудгорладик, пешма-пеш текисладик. Бу нима берди денг: биринчидан, тупроқ алмашинди, иккинчидан ерда техника бемалол ишлай бошлади. Унча-мунча қолган бегона ўт уруғлари ҳам йўқ қилинди. Баҳорда шолини янги поллар олиб экдик. Шу тариқа тупроғи алмашинган майдонларга экилган шоли ҳосилдорлиги 70 центнерга етди. Давлатга фақат сифатли ҳосил топширила бошланди.

Тўғри, тан олиш керак, хўжалигимизда ҳали алмашлаб экиш нормаси кўнгилдагидек эмас. Бизга ҳатто бундан уч-тўрт йил бурун бир майдонга сурункали шоли экасизлар, эртага ҳосилдорлик пасайиб, хўжалик ўтириб қолади, деган гапларни ҳам айтишди. Лекин ҳамма гап ерни ишлашда, парвариш қилишда эканлигини ўз меҳнатимиз билан исботладик. Узоққа бормайлик, биргина СССР Давлат мукофоти лауреати Озод Акбаров бошлиқ жамоанинг натижасига назар ташлайлик. Улар 1990 йилда 72 центнердан хирмон кўтаришган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 81 центнерни ташкил этди.

Ўрни келганда шоли ҳосилдорлигини оширишда агротехника тадбирларини маромида, тўғри ўтказиш катта роль ўйнашини айтиб ўтмоқчиман. Хўжалигимизда мўл ҳосил олиш учун кураш ерни шудгорлашдан бошланади. Масалан, шу йилги шароитда ерларимизни 15 ноябрдаёқ тўлиқ ҳайдаб бўлдик. Ўз-ўзидан яна бир масала тўғрисида гапиришга тўғри келади. Юқорида айтганимдек, ҳар бир ишни маромида бажариш учун ҳамма нарса доимо шай бўлиб турмоғи лозим. Масалан, биз барча турдаги машина тракторлар, техника воситаларини қиш ойидаёқ, улар қайси мавсумда ишлашидан қатъий назар, шай бўлиб туришини таъминлаймиз. Техникани асраб-авайлаймиз. Айни кунларда хўжаликнинг устахонасида бўлсангиз техникани созланаётганлиги устидан чиқасиз. Қисқаси комбайнми, ҳайдов тракторими, бошқа механизммми унинг ремонти устахонага кирган кундан бошланади.

Мен юқорида жами ҳосилни 25 иш кунида тўлиқ саранжомлаб олганлигимизни айтдим. Мутахассислар яхши билишади. Икки минг гектардан ортиқ ердаги шолини бундай қисқа муддатда тўлиқ йиғиштириб олиш анча мушкул вазифа. Лекин биз мана олти йилдирки, бунинг уддасидан чиқяпмиз. Ваҳоланки, илгари ана шу шолини ўриб-йиғиб олиш учун қўшни автокорхоналардан ёрдамга машина олардик, райондан ҳашарчилар келишарди. Ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам ўримга жалб қилинарди. Хўжаликка раҳбар бўлган йилим барча механизаторлар, ҳайдовчиларни йиғдим, улар билан Мени мавзудан четга чиқиб кетди, деб ўйларсиз. Йўқ, мен хўжалигимизда айнан меҳнатни ташкил этишдаги мустақиллик ютуқларимизнинг иккинчи омили бўлганлигини айтмоқчиман. Биз 1985 йилдаёқ вилоятимизда биринчи бўлиб бригада пудрати усулини жорий этдик. Ҳисоб-китобни пировард натижага қараб якунлай бошладик. Ҳар бир далачилик бригадаси, устахона, машина-трактор парки, чорвачилик фермаси жамоасигача йил бошидаёқ сарфланадиган маблағни, барча ҳаражат турларини ажратиб бердик. Ҳар бир жамоа мустақил меҳнат қила бошлади. Ер, техника, ўғит, ишчи кучи, меҳнат ҳақи ҳаммаси жамоаларнинг қўлига ўтди. Бу кишиларимизнинг меҳнатга бўлган муносабатини шунчалик ўзгартириб юборди, аста қўяверасиз. Эндиликда улар қанчалик тежамкорлик билан, юқори ҳосил олсалар шунчалик мўмай даромад қилишларини яхши билиб олдилар. Оддий механизатор, чорвадордан тортиб бригада етакчисигача ҳисобини олиб, ўйлаб ишлайдиган бўлди. Мана иккиуч йилдирки, бир қатор шоличилик бригадалари ҳатто минерал ўғитлардан фойдаланишни камайтириб бормоқдалар. Бегона ўтга қарши ишлатиладиган гербицидларни ишлатишдан мутлақо воз кечишмоқда. Уларнинг Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ниҳоят биз жаҳонга жумҳуриятимизнинг жуда катта (ҳамма соҳада) имкониятларини намойиш қилишимиз, кўрсатишимиз, исботлашимиз мумкин бўлади. Илгари эса ҳамма меҳнатларимизнинг натижаси марказнинг сояси остида қолиб кетарди.

Мен бундан чамаси 10 йил бурун сайёҳ сифатида Чехословакияда бўлган эдим. Суҳбат давомида биз Ўзбекистондан келганлигимизни айтдик. Улар елка қисишади, шунақа давлат ҳам борми, деб савол беришади. Очиғи, ўшанда жуда кўнглим ўксиди. Социалистик ҳамжамиятга аъзо бўлган Чехословакиядаки бизни билишмас экан, бу қандай гап деган эдим. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганда бошимиз осмонга етди.

Мустақиллик ҳақида гап борар экан, яқиндагина учинчи дунё мамлакатлари деб тилга олинган Таиланд, Кореяни, Вьетнамни олайлик. Улар шунчалик ривожландики, бугун бу давлатларнинг иқтисодиёти билан дунё қизиқмоқда. Кўряпсизми, мустақиллик қандай кучга эга. Ўйлайманки, тез орада Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ҳам шу тариқа ошади.

# МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

**Хўжаликнинг 1991 йилдаги даромади 17 миллион сўмдан ошди. Бунинг 9 миллион сўми соф фойдадир. Бир киши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот 20 минг сўмни ташкил этди...**

— МЕН бу йилги муваффақиятларимиздан, айниқса, мамнун бўлдим. Сабаби ҳаммаси пировардида 500—600 минг сўмлаб маблағни тежаб қолишга имконият бермоқда.

Хўжалигимизнинг Озод Акбаров, Нурмон Усмонов, Абдулла Абдураҳмонов, Жумабой Мингяшаров, Орифбой Сансизбоев, Абдужаббор Носиров, Валерий Тхай, Улжабой Сарсенов ўртоқлар бошчилик қилаётган жамоалар йилдан-йилга суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини ошириб бормоқдалар. 1991 йилда улар гектаридан 75—81 центнердан шоли йиғиштириб олдилар. Бу бригадалар шоли етиштиришга кетаётган сарф-харажатни ҳам йилдан-йилга пасайтириб бормоқда.

Ана шу мустақиллик илгари хўжаликка зарар келтирган чорвачиликда ҳам юксак самара бермоқда. Ҳозиргача давлатга гўшт, сут сотиш режаларини ортиғи билан бажариб қўйдик. Мана бир неча йилдирки хўжалигимизда бузоқларни совуқ усулда ўстириш тажрибаси қўлланиб келинмоқда. 4 йилдан буён соғувчиларимиз 2 сменада меҳнат қилишади. Бу уларнинг машаққатли меҳнатларини енгиллаштиришга олиб келди. Энди улар вақтида ишлаб, вақтида дам олишмоқда.

Умуман 1991 хўжалик йилида шоличиликнинг ўзидан 17 миллион сўм даромад оляпмиз. Республика ҳукуматига минг раҳмат. Ниҳоят шоликор деҳқонларнинг кўксига ҳам шамол тегди. Республика Президентининг Фармонига асосан шолининг харид нархи бу йилдан бошлаб икки баробар оширилди. Албатта, бизнинг меҳнатларимиз бу ғамхўрликка нисбатан амалий жавоб бўлиши керак. Биз ҳозирданоқ келгуси йил учун ҳаракатни бошлаб юбордик.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари Ўзбекистоннинг мустақиллигини тўлиқ қўлга киритиш учун ҳали кўп ишлаш кераклигини, қийинчиликларни енгиб ўтишимиз лозимлигини ҳис этмоқдалар. Назаримда, энди ишга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Ҳар хил кўрсатмалар, тадбирлар, буйруқларнинг ўрнига аниқ, лўнда ҳаракат қилмоқ керак. Минг афсуски ҳозирги кунда юқорида қабул қилинган яхши-яхши қарорлар, фармонлар қуйилашган сари ўз кучини негадир йўқотмоқда. Ўйлайманки, бунга барҳам бериш, жойлардаги ижроия органларини кучайтирмоқ керак.

Ана шундагина ўз мақсадимизга тезроқ эришамиз.

# ЧЎНТАКДА ПУЛИНГ БЎЛСА, БАҚУВВАТ ЮРАСАН

**Ҳозирги кунда хўжаликнинг ҳисобида нақд 14 миллион сўм пули бор. 1991 йилда шоликорларнинг ўртача ойлик маоши 1200 сўмдан ошди.**

— Бу оддий ҳақиқат. Чўнтакда пулинг бўлса, хоҳлаган эшигингни дадил очасан. Истаган кишинг билан бемалол муомала қиласан. Айниқса эшик қоқиб турган бозор иқтисодиёти шароитида унинг қаттиқ қонунларига шай бўлмасанг, ҳаёт кечириш мураккаб бўлаверади. Шунинг учун ҳам биз бутун хўжалик ишлаб чиқаришини, иқтисодиётини меҳнаткашларимизнинг фаровонлигини оширишга, даромадини мустаҳкамлашга бўйсундирдик. Буни бошқача тил билан инсон омилига бўлган эътиборни кучайтирдик, деб таърифласа бўлади. Аслида бу мантиқан тўғри хулосадир. Сабаби бугунги кунда кишиларга, уларнинг фаровонлигига хизмат қилмайдиган иқтисодиётнинг кераги ҳам йўқ.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 1991 йилда олаётган соф фойдамиз 9 миллион сўмни ташкил этмоқда. Биз биринчи навбатда ҳар бир кишининг меҳнатига яраша моддий рағбатлантиришга ҳаракат қилдик. Унинг энг оддий усулларини қўллаяпмиз. Негадир кейинги вақтларда турғунлик давридан қолган иллат, деб турли йўналишдаги социалистик мусобақаларга барҳам бериб юбордик. Мен бу фикрга қўшилмайман. Яхши нарсани ҳар қандай жамиятдан олиб қўлланиш мумкин. Масалан, бизда айни ўрим-йиғим пайтида мусобақа йўлга қўйилади. Унга ҳар беш кунда якун ясалиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилади. 1991 йилда ана шу мақсадлар учун ярим миллион сўм пул сарфладик. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Пировардида ҳар бир жамоа ўзининг меҳнатига яраша моддий мадад олмоқда-ку! Бу масаланинг бир томони, иккинчиси шундаки, одамларнинг онги ўзгармоқда. Улар бугун қандай ишлаш кераклигини яхши билиб олишди. Чунки бугун ишдан қочиб дангасалик қилса, эртага пулни кам олади. Бу эса ҳаммага ҳам ёқавермайди.

Юқорида айтганимдек, хўжалигимиз иқтисодий мустаҳкамланиб борган сари ижтимоий масалаларни ҳал этяпмиз. Сўнги икки йилда хўжалигимиз ҳудудидаги барча йўллар асфальт қилинди. Табиий газ олиб келинмоқда. 1992 йилда газлаштиришни тўлиқ тугаллаймиз. Янги маданият саройи қурилиб ишга туширилди. Ҳудудимиздаги мактабларнинг ўқувчилари учун бепул овқат ташкил этганмиз. Бундан ташқари аълочи ўқувчиларга ойига 20 сўмлик стипендия жорий этдик.

Президент фармонлари асосида аҳолига ер беряпмиз. Уй-жой қурувчилар учун бартер усулида маҳсулот айирбошлаш ҳисобига қурилиш материаллари олиб келиб кўмаклашяпмиз. Шахсий чорвасига эга бўлган барча хонадонларга етарли миқдорда пичан, похол ажратдик. Ўрни келганда сўнгги икки йилда хўжалигимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигини айтиб ўтмоқчиман. Биз бундай кишиларга совхоз ҳисобидан узоқ муддатли фоизсиз қарзлар беряпмиз. Бу хонадонлар қарзни қачон оёққа туриб, ўзини тиклаб олгандан кейингина тўлай бошлайди. Ҳозиргача бундай фермер хўжаликлари 8—10 тага етиб қолди. Мақсад ҳудудимизда аҳолининг шахсий чорва молларини кўпайтириш. Бу пировардида гўшт, сутнинг сероблигига олиб келади. Ахир айтишади-ку, халқда бўлгани давлат, деб.

Юқорида айтганимдек, бозор иқтисодиёти, нархнавонинг кундан-кунга кўтарилиб бориши совхозимиз меҳнаткашлари билан биргаликда ҳудудимиздаги аҳолини ҳам ижтимоий ҳимоя қилишни тақозо этмоқда. Биз шароитни ҳисобга олиб бу йил 700 тонна шолини аҳолига тарқатдик. Совхозимиз ишчиларига 1 тоннадан, фахрийларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимларига 200 килограммдан шоли бердик. Бундан ташқари омборларимизга минг тоннадан ортиқ шоли қиш учун сақлаб қўйилди. Ўзингиз биласиз, халқимиз болажон. Тўй-ҳашами сероб. Бу тадбирларни ўтказиш учун хўжалик катта ёрдам берянти. Оилаларга хўжалик ҳисобидан гўшт, гуруч, 200 сўмдан пул беряпмиз. Мана уч йилдирки, хўжалигимизда 20 йил ва ундан кўп ишлаб қарилик пенсиясига чиққан меҳнат фахрийларимизга ҳар йили минг сўмдан моддий ёрдам пули бериб келмоқдамиз. Шунингдек совхозимизда ишлаб аскарлик хизматини ўташ учун кетган йигитларимизга икки йил давомида ойига 50 сўмдан маош белгилаганмиз. Бу пул уларнинг ҳисоб дафтарига ўтказиб борилади. Хизматни ўтаб келгач уни тўлиқ олиб бирор корхайрига ишлатишлари мумкин.

Меҳнаткашларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий рағбатлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги тадбирларимизни янада кенгайтириб борамиз. Муҳими халқимизнинг хотиржамлигини таъминлашдир. Бу вазифани адо этяпмиз. Халқимизнинг даромади бутун, эгни тўқ. Ана шунинг учун ҳам ҳудудимизда бирга яшаб — бирга меҳнат қилаётган 14 миллат вакилларининг барчаси бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қилмоқда. Назаримда ютуқларимизнинг учинчи—энг асосий омили ана шудир.

**ЙЎҚ, хўжалик раҳбарининг бу сўзлари одатий қизил гаплар эмас, ҳақиқатдан ҳам калининлик деҳқонларнинг шоличиликни ривожлантиришдаги тажрибалари, одамлар тўғрисида кўрсатилаётган ғамхўрликлар, иқтисодий мустақиллик, тадбиркорлик йўлидаги ҳаракатлари диққатга сазовор, деб ўйлайман. Аммо Т. Искандаров айтганидек буларнинг ҳаммасига фақат ҳалол, фидокорона меҳнат туфайлигина эришилмоқда.**

**Истагимиз вилоятимизда ана шундай хўжаликлар кўпайса... Ўйлайманки, бу борада Ғалаба районидаги Калинин номли совхозининг тажрибаси барчага қўл келади.**

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

● ХЎЖАЛИКНИНГ бу йилги шоли хирмонининг баракали бўлишида Жумабой Мингяшаров (чапдан) Абдужаббор Носиров, Озод Акбаров, Николай Ли ўртоқ лар бошлиқ бригада жамоаларининг хизматлари катта бўлди.

# ҲАММАСИ ИШБИЛАРМОНЛИКДАН



● КЕЧАГИНА хирмонда шоли ортиш техникаси ҳам тўхтовсиз ишлаб турди. Ушбу суратда сўнгги ҳосилни машинага ортиш пайти тасвирга туширилган;
● КУНЛАР совиб, чорвадорлар учун масъулиятли даврнинг — қишлов ҳам бошланди. Бу хўжалик чорвадорларини ем-хашак етарли жамғарилган. Суратда: соғин сигирларга навбатдаги озуқа тарқатилмоқда.

В. ТУРАЕВ суратлари.

## ДАВЛАТ ҚОРАЛОВЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда вилоят прокуратурасида давлат қораловчилари конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят прокурори, 3-класс давлат адлия маслаҳатчиси А. Маннонов жиноятчиликнинг аҳволи ва давлат қораловчилари ишини такомиллаштириш тўғрисида маъруза қилди.

Анжуманда вилоят судининг раиси А. Липатов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ф. Фозилов, Тошкент ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи жиноий жараёнлар кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Г. Саркисянц, Ўрта Чирчиқ район прокурорининг ёрдамчиси М. Обидова, Тошкент район прокурори А. Раҳмонқулов, вилоят адвокатлар коллегияси президиуми мудири Ф. Ашуров, Оққўрғон район прокурори ёрдамчиси А. Исоқова, Чирчиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси В. Зуфаровлар сўзга чиқдилар.

Конференцияда ишда намуна кўрсатган давлат қораловчиларини мукофотлаш тўғрисида вилоят прокурори буйруғи ўқиб эшиттирилди, тавсияномалар қабул қилинди.

Давлат қораловчилари йиғилишида Ўзбекистон прокуратурасининг судларда жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича назорат бошқармаси прокурори З. Аҳмедова иштирок этди.

• ШУНДАЙ КИШИЛАР БОР БЎЛСИН

# УМРИНГИЗГА БАРАКА, УМАР ТОҒА!

БУ ОҚШОМ Тошкент шаҳар Киров ноҳиясидаги «Гидрострой» маҳалла чойхонаси қишилар билан гавжум бўлди. Бу ерга йиғилган ёшу-қари қарийб қирқ йилга яқин маҳалла қўмитасига раислик қилган, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, биринчи даража Улуғ Ватан уруши, Қизил Юлдуз, Ҳурмат белгиси орденлари ҳамда медаллар нишондори Умаржон ота Нажимов таваллудининг 85 йиллиги билан табриклаш мақсадида келишган.

Умаржон отанинг маҳалла қўмитасига раислик даврларида кўп нарса тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар маҳаллани бошқаришда уларга муовинлик қилган Вахоб ака Иброҳимов бу ҳақда шундай хотирлайдилар:

— Биз отани раис этиб сайлаганимиз ҳамон ёдимда. Маҳалла ишлари ўлда-жўлда, идиш-товоқ масаласи ниҳоятда хароб. Ўша пайтда катта-кичик билан ўринлатиб муомала қила оладиган бир киши раис этиб тайинланиши зарур эди. Шу мақсадда отанинг номзодларини кўрсатдик. Мана шу чойхонани ҳам отахон бошчиликларида қурганмиз. Маҳаллани ободонлаштириш ишларига ҳам улар катта ҳисса қўшдилар. Етти ёшдан етмиш ёшгача у кишининг гапини қайтармайди. Тўғри-да, саксондан ошган қария қўлида кетмон ушлаб тургандан кейин ёшлар қараб туролмайдилар, албатта. Бунинг устига улар моҳир ташкилотчилар. Халқни бирон савобли ишга сафарбар қилишнинг хадисини олганлар. Қисқаси, ота туфайли маҳалла маҳалла бўлди десам янглишмайман.

Ҳа, албатта. Кишилар билан муомала санъати эл оқсоқоли учун ноёб фазилат. Масалан, икки ёш арзимаган сабаб билан жанжаллашиб қолса ҳам раисга арз-дод айтиб келишади. Мана шунда ҳаётий тажриба, босиқлик асқотади. Бу ҳақда маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси, филология фанлари номзоди Нусратхон Икромова шундай дейдилар:

— Мен Умаржон отамларни йигирма икки йилдан бери биламан. Ёшмиқарими, кимни кўрсалар қўллари кўксиларида. Яна улар ўзгалар тақдири учун ҳамиша куюнчаклик қиладилар. Маҳаллада 16 нафар фаолмиз. Бирон қўйдичиқди бўлиб қолса ҳеч қайсимизни ҳузурларига чақирмай ўзлари эшикдан кириб келадилар. Вазиятни яхшилаб тушунтириб, қандай чора кўришимиз лозимлигини айтадилар. Бу кишидан биз мураккаб масалаларни осонлик билан ҳал қилишни ўрганганмиз. Шу сабабли бўлса керак, маҳалламизда кейинги пайтларда қўйди-чиқди йўқ ҳисоби.

Кўплар қатори учрашувга ташриф буюрган Халқ депутатлари Киров район Кенгашининг раиси Рустам Калоновнинг ҳам ота ҳақидаги фикрлари бир олам.

— Умаржон ота билан бутун район фахрланади, десам муболаға қилмаган бўламан. Айни пайтда районимизда 26 та маҳалла бўлса, раисларимизнинг ичида энг ёши улуғи ҳам, кўпни кўргани ҳам шулар. Мана, бугун бу ерга районимизнинг барча обрўли кишилари йиғилишган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Умаржон отанинг ғайратларини кўриб, ҳеч ким уларни шунча ёшга кирган демайди (кўз тегмасин). Қани энди шундай инсонлар кўпроқ бўлса. Яқинда улар ўзларига саккиз йил муовинлик қилган Тоир Султоновни маҳалла қўмитаси раислигига тавсия этдилар. Ишонамизки, отанинг тарбиясини олган бу йигит ҳам эл ишончини албатта оқлайди.

Учрашувда табрикларнинг кети узилмасди. Сўз маҳалла қўмитасининг янги раиси Тоир Султоновга берилди.

Умаржон ота узоқ йиллик фаолиятлари давомида инсонлар дилини оғритмасликни мақсад қилиб, унга доимо ўзлари амал қилиб келдилар. Шу билан бирга бутун маҳалла аҳлини беш қўлдек биладилар. Бирон бир одам ночор аҳволга тушиб қолса, ёрдамга шошиладилар. Тўйми, маъраками—ҳаммасига бош-қошлар. Мен ҳам отадан ўрганган барча ҳаётий тажрибаларимни ишга солиб, маҳалла ишларини улар билан биргаликда янада яхшилашга сўз бераман.

Ота билан суҳбатимиз ҳам жуда мароқли бўлди. Улар ҳаётий йўллари ҳақида жумладан шундай дедилар:

— Мен Тошкент шаҳрида туғилиб, меҳнат фаолиятимни 1923 йили ғишт заводида ишчиликдан бошладим. Кейинчалик бригада бошлиғи, мастер бўлдим. Урушдан қайтгач, 1970 йилгача «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасида ишладим. Бир ўғлим, бир қизим, ўнга яқин набираларим бор. Худога шукур, пиру бадавлатман. Мана, яқинда республикамиз мустақил деб эълон қилинди. Бу ишда Президентимиз Ислом Каримовнинг катта хизматлари бор. Лекин мустақиллик эълон қилингани ишнинг бошланиши холос. Эндиликда ҳар биримиз қўлимиздан келганча оғизда эмас, уни амалда мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, маҳалла фаолларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Биз кишилар билан ишлашни яхши йўлга қўйиб, улар ўртасида одамийликни, қадриятларни тиклашни кенгроқ тарғиб қилишимиз керак.

— Ҳаётингиздан хурсандмисиз?

— Нега хурсанд бўлмай. Шу пайтгача қўлимдан келганча халқ хизматида бўлдим. Кишилар ўртасида озми-кўпми ҳурматим бор. Шунинг учун бўлса керак, кўпинча келиб турли масалалар юзасидан олдин мен билан маслаҳатлашишади. Ишончлари учун уларга ҳам минг раҳмат.

Суратда: Умар ота Нажимовни халқ депутатлари Киров район Кенгашининг раиси Рустам Калонов табаррук ёши билан табриклямоқда.

Суратқаш В. ТЎРАЕВ

**НУРОНИЙ мўйсафид бўлиш, шундай табаррук ёшга кириш ҳамма ҳам ният қилади. Умар тоға ана шундай табаррук оталардан. У янги авлодни муборакбод этади. Унга ўз тажрибасини ўргатади. Умар ота каби эл ҳурматида юрадиган фидойи, табаррук отахонларимиз омон бўлишсин.**

**Н. РАФИҚОВ.**

• Суратга олинмоқда

# «ГУНОҲ»



ОҲАНГАРОН ноҳиясидаги 7-ўрта мактаб вилоятимизда кўзга кўринган таълим масканларидан ҳисобланади.

Суратларда: Муаллима З. Жуманова қарийб 20 йилдан бери ўқувчиларга физика фанидан билим беради; рус тили муаллими Н. Иброҳимов ҳам ўз касбини севадиганлардан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЎЗБЕК кино санъати ривожига озми-кўпми ҳиссасини қўшиб келаётган ижодкорлардан бири Фарҳод Ҳайдаровдир. Бу тиним билмас ижод соҳиби шу кунга қадар актёр, иккинчи режиссёр ва ниҳоят бош режиссёр сифатида ўзини кўрсатиб келмоқда. Айниқса, унинг ёзувчи Эркин Аъзамов асари асосида суратга олган «Чантриморз» деб номланган киноасари кўпчилик мухлислар ва мунаққидлар томонидан яхши кутиб олинди. Бу эса режиссёрни янги мавзуларга мурожаат этишга чорлади ва Фарҳод ака ўзи ёзган сценарий асосида «Гуноҳ» деб номланган янги фильм устида иш бошлади.

Бўлажак киноасар воқеалари шу кунларда содир бўлади. Унда асосан икки синфдош — Нурали ва Басиранинг ҳам қувноқ, ҳам ачинарли ўтган кунлари ҳақида ҳикоя қилинади. Нурали билан Басира ёшлигидан бир қишлоқда бирга-ликда ўсишади. Мактабни тугатиб, Тошкентга ўқишга келишади. Улар ёшлигидан бир-бирларига меҳр қўйишган, нозик ва беғубор қалбларда севги ришталари пайдо бўлаётганди. Бироқ сал бадавлатроқ оилада ўсган Басира аста-секин ўзгара бошлайди. У ҳатто шу даражага бориб етадики, ўзи туққан фарзандини Нуралига ташлаб кетади... Воқеалар ривожланиши жараёни тобора шиддатли тус олиб, Басира руҳан қийналиши оқибатида ўзини сувга ташлаб, ҳалок бўлади...

Бўлажак кинолента мусиқали мелодрама жанрида бўлиб, унда асосан замондош ёшларимизнинг катта ҳаётга қадам қўйиш жараёнидаги хатоликлари ҳикоя қилинади.

— Жиддий муаммоларга бағишланган бу фильмимиз сўнггида жумҳуриятимиздаги етим болалар сони томошабинлар эътиборига ҳавола этилади, — дейди режиссёр. — Ўйлаймизки, бу кишиларни бефарқ қолдирмаса керак. Яна шуни таъкидлашни жоиз деб топдимки, фильмга таниқли ҳонандалардан Ҳабиба Охунова ва Шоҳсанам Қиличевларни таклиф этишимиз бежиз эмас. Негаки улар киноасардаги ашулаларни ўзлари ижро этишади. Ҳабиба опа ижросидаги аллани бир эсланг-а...

Бу ажойиб кинолента тасвирчиси Талъат Мансуровдир. Чорвоқ ва Тошкент шаҳрида суратга олинадиган мазкур фильмга Ҳабиба Охуновадан ташқари Ўлмас Алихўжаев, Юлдуз Ҳамидова ва бошқалар таклиф этилган.

Раҳматилла БЕРДИЕВ.

САНЪАТ ОЛАМИДА

## «АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МУСИҚА САНЪАТИ»

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Яқинда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг катта залида «Навоий ва мусиқа санъати» мавзуида Бутуниттифоқ илмий-амалий анжумани иш бошлади.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур тадбирда «Навоий назмида мақом санъати», «Навоий ва ўзбек операси», «Навоий ижоди туркман мусиқасида» сингари мавзуларда ўттиздан зиёд маъруза тингланади. Анжуманда Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Татаристондан ташриф буюрган мусиқашунос ва адабиётшунос олимлар иштирок этишмоқда.

Мазкур тадбирда СССР халқ артисти С. Қобулова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ф. Мамадалиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Йўлчиева, жумҳурият мақомчилар кўрикчилари совриндорлари У. Расулов, М. Эрматов ва бошқа таниқли санъаткорлар Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган мақом қўшиқларини анжуман қатнашчилари эътиборига ҳавола қилишади.

Илмий-назарий анжуман шу йил 29 ноябрь куни пойтахтимиздаги «Баҳор» томошагоҳида атоқли бастакор Сулаймон Юдаковни хотирлаш кечаси билан якунланади.

БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

## РАҲМАТ!

**Саломатлик қадрини боши ёстиққа етган билади. Мен уни иккинчи гуруҳ ногирони сифатида олтмиш бир йилдан бери ҳис этаман. Касалим енгил эмас. Барака топсин, участка врачимиз Клара Комилова сўнгги йилларда жонимга оро кириб келди. Лекин қисматга бир нарса дейиш қийин экан. Дард устига чипқон деганларидек, бу орада қанд касаллиги ҳам ёпишди, юрагим тобора сиқиладиган бўлиб қолди. Охир оқибатда инфаркт хуруж қилди. Клара «шифохонага ётқизаман» деди. Ногирон бўлганлигим учун кўн мадим. Ўғлим кардиограммани кўтариб мени ётқизишмоқчи бўлган «Ташсовет» шифохонасига борди. Яхши одамлар кўп экан. Ўша касалхона бош врачининг ўринбосари Мунирахон Аъзамова кардиограмма билан танишгач ўғлим билан уйга келди.**

**Бир ярим ой мобайнида бошқа дўхтирларни ҳам олиб келиб консультация қилдириб даволади. Ҳозир яна оёққа туриб кетдим. Мен К. Ҳамидова, М. Аъзамова, шунингдек О. Иброҳимова, Н. Муҳитдинова каби нажоткорларимдан миннатдорман, уларга чин дилдан раҳмат, умрлари узоқ бўлсин.**

З. ҲАКИМОВА,
Тошкент шаҳри.

ФУТБОЛ. СССР КУБОГИ

# ҒАЛАБАГА ТЕНГ ДУРАНГ

## ЯҚИН ЭДИ, БИРОҚ...

Мамлакатнинг бу йилги энг кучли командаси, СССР чемпиони ва Кубоги соҳиби — МАСК жамоаси билан пахтакорчилар ўтган мавсумда тўрт маротаба куч синашдилар: икки марта биринчиликда ва икки марта «биллур совриғи» учун баҳсда. Москвадаги иккала ўйинда ҳам армянчилар пахтакорчилар дарвозасига учтадан тўп киритишган бўлса, Тошкентдаги икки ўйинда ҳам дуранг натижалари қайд этилди. Қисқаси, бу йил севимли командамиз чемпион устидан ғалаба қозона олмади. Бироқ ғалаба қозонмасдан туриб ҳам армянчиларни доғда қолдириш мумкин эди. Бунинг учун Кубокнинг жавоб учрашувида йириқроқ ҳисобда дурангга эришилса, бас эди. Москвада «Пахтакор» ана шу вазиятга яқин, ўйин 2:2 ҳисобида якунланаётган эди. Бироқ учрашув тамом бўлишига 4 дақиқа қолганда...

Бундан 4 кун аввал МАСК Тошкентга ўринбосарлар таркибида келиб, унда хатто «делегация раҳбари» Павел Садрини ҳам йўқ эди. Шунга қарамасдан армянчилар кўзлаган натижага эришиб, ўйин дуранг билан якунланганин кўпчиликка маълум.

Москвада эса армянчилар бутун воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилишди. Бир томондан улар таркибида 11 та чемпион майдонга тушган бўлса, иккинчидан учрашув «Пахтакор» учун ноқулай бўлган усти ёпиқ сунъий майдонда ўтказилди.

Шунинг учун бўлса керак, ўйин бошланишидан ярим соат ўтмасдан майдон эгалари 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар: 11 дақиқада Масалитин меҳмон ҳимоячиларининг бир нечтасини алдаб ўтиб, тўпни бўш турган Сергеевга етказиб берди ва у ўз навбатида ҳисобни очди. Орадан 15 дақиқа ўтар-ўтмас Брошин кучли зарба билан ҳисобни оширди. Бироқ бу ҳол узоқ давом этмади. Ўйиннинг майдон марказидан бошлаган пахтакорчилар хавфли ҳужум уюштиришди ва Миржалол Қосимов ҳисобдаги фарқни қисқартирди. Биринчи бўлим тугашига саноқли дақиқалар қолганда Маъруфалиев—Мақсудов комбинацияси дарвозани ишғол қилиш билан якунланди.

2:2 ҳисоби майдон эгаларини қониқтирмасди ва иккинчи бўлимда улар кетмакет ҳужум уюштирдилар. Сергеев, Бавикин, Корнеевлар қулай имкониятларни бой беришди. Кўп ҳолларда пахтакорчилар дарвозабони Перескоков маҳорат кўрсатди.

Ғалабага тенг дуранг яқин эди, бироқ учрашув тамом бўлишига тўрт дақиқа қолганда иккинчи бўлимда майдонга тушган Файзулин меҳмонлар ҳимоячиларидан чаққонроқ чиқиб қолди ва учинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди.

Шу ўйин билан «Пахтакор» мавсумни якунлади. Келаси йили командани қандай синовлар кутаётган экан?

Аброр ИМОМХЎЖАЕВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.


# ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

**Узбекистон республикаси Маданият вазирлиги Узбекистон давлат эстрадасининг концерт-гастроль бирлашмаси**

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**29 ноябрь соат 19.00, 30 ноябрь соат 15.00 ва 19.00, 1 декабрь соат 15.00 ва 19.00 да ЯНГИ ПРОГРАММА**

**«О—Б»**

**(ОБИД—БОТИР)**

**ТВ КЎРСАТАДИ**
**ТОМОШАДА ҚАТНАШАДИЛАР:**
**Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ, Соҳиб МАМАСОЛИЕВ ва бошқалар.**
**Чипталар соат 11.00 дан сотилади.**

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Ҳадра майдони)

**1991 ЙИЛНИНГ 21 ДЕКАБРИДАН 1992 ЙИЛНИНГ 12 ЯНВАРИГАЧА**

**БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!**

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА**

**«ЦИРКДА АРЧА»**

**КАТТА ЦИРК ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.**

ДАСТУРДА:

**Марина ва Нина Пузаковалар раҳбарлигидаги**

**УРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР**

**ССЖИ халқ артисти Ҳаким Зарипов раҳбарлигидаги**

**«УЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ» ГУРУҲИНИНГ ЧИҚИШЛАРИ**

**Томошалар**: 21, 22 декабрь соат 11, 13.30, 16, 18.00 да;
23, 24, 25, 26 27 декабрь соат 11, 13.30, 16.00 да.
28 декабрь соат 11, 13.30, 16, 18.00 да;
29—30 декабрь соат 16, 18.00 да;
31 декабрь соат 16.00 да;
1 январь соат 10, 16, 18.00 да;
2—7 январь соат 16, 18.00 да;
8—12 январь соат 10, 12, 14, 16, 18.00 да бошланади.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Цирк фойесида шошилинч суратқашлик устахонаси ишлаб турибди.

**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.**

**В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА**

**7, 8, 9, 10 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ва 19.00 ДА**

**«КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ»**

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**«Қизиқчи-90» кўригининг ғолиби**

**Ҳожибой ТОЖИБОЕВ**

**ва**

**Ботир ЗОКИРОВ кўригининг ғолиби, хушовоз хонанда**

**Азим МУЛЛАХОНОВ**

**ДАСТУРНИ ЎТКИР СИДДИҚОВ ОЛИБ БОРАДИ.**

Чипталар соат 11.00 дан бошлаб сарой кассаларида, метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» ва «Максим Горький» бекатларида сотилади. Телефон 45-92-13.

**Ташкилотлар, корхоналар, кичик корхоналарнинг раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!**

**Узбекистон Республика Қурилиш вазирлигининг**

МАРКАЗИЙ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

**1992 йилга**

**автомобиль, минорали, кўприкли кранларнинг машинистлари, электр-газ-пайвандчилар ва барча қурилиш касбларига ўқитиш учун**

**ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ**

**Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралмаган ва ажралган ҳолда (кечки) олиб борилади.**

**Ўқиш учун ҳақ пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пул билан тўланади.**

МАНЗИЛИМИЗ: 700100, Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 55—36—11, 54—94—87, 54—92—16.

**«ТОШКЕНТ-ПАССАЖИРСКИЙ» СТАНЦИЯСИНИНГ**

2-ВАГОН ДЕПОСИ

**йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали чилангар, йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали дурадгор, 3—4—5 даражали чилангар-сантехник, 4—5 даражали ойнасозларни**

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**Ўртача иш ҳақи — 500—700 сўм.**

Мутахассисликка эга бўлмаганлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ой давомида ўқитиладилар.

**Шахсий ҳужжатлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайд қилинган шахслар ишга қабул қилинадилар.**

Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Х. Умаров кўчаси, 8-уй, 2-ВЧДнинг расмийлаштириш бўлими (11, 40, 45, 50, 67-автобуслар; 14-троллейбус; 25-маршрут таксисининг «Салор ариғи» бекати).



Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 6284. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 44 минг нусха босилди.